
"ОРЗУ" тантаналар саройида ифторлик тадбири ўтказилди

Президентимиз ташаббуслари билан Муборак Рамазон ойида туманимиздаги барча маҳаллаларда халқимизнинг ризолигини олиш, инсонлар ўртасида хайру-саховат ва меҳр-муҳаббат ришталарини янада мустаҳкамлаш мақсадида эзгу хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан барча маҳаллаларда туман ҳокимлиги, Маҳалла ва Нуронийларни қўллаб-қуватлаш бўлими ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан ифторлик тадбирлари ўтказилмоқда.

Туманимизда кам таъминланган ижтимоий ҳимояга мухтож, шунингдек, нуроний отахон ва онахонлар учун ифторлик дастурхони ташкилланди. Ифторлик тадбирида қатнашган аҳоли бундай эътибор ва ғамхўрликдан миннатдор эканликларини билдирдилар.

2024-03-27 17:24:06